



Молиявий имконият жамоатчилик манфаатини кўзлайди

2-саҳифада

Ўзбекистонда пенсия ёши ўзгарадими?

6-саҳифада

## «Сирдарё тажрибаси» ҳар маҳалла, ҳар кўчага кўрк бераётир



Давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилоятига ташири чоғида худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган 5 та янги ташаббус билан бирга, маҳаллаларда олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш ва буни «Сирдарё тажрибаси» сифатида ҳаётга татбиқ этиш бўйича қатор вазифалар белгиланди. Бу борада тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жойларда амалий ишлар бошлаб юборилди.

Сардоба туманидаги «Кўрғонтепа» маҳалласида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликлари мутасаддилари иштирокида хайрия ҳашари бўлиб ўтди.

«Кўрғонтепа» маҳалласида 2 минг 600 нафардан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. Халқимизнинг эзгу қадрияти ҳисобланган ҳашарда маҳалла аҳли, ёш қари фаол иштирок этди. 13 та кўча ва ариқлар тозаланиб, 850 туп мевали ва манзарали дарахт ҳамда 16 мингга яқин райхон ва гул кўчатлари экилди. Ҳашар доирасида 13 та кўча ободонлаштирилди, бешта эҳтиёжманд оиланинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Боёвут туманидаги «Истиклол» маҳалласида ўтказилган хайрия ҳашари ҳам ҳамжиҳатликда ўтди. 330 та хонадон ва 12 та кўчадан иборат мазкур маҳалладаги аҳоли хонадонлари ва кўчалар четига, ижтимоий соҳа объеклари ҳудудларига 16 минг туп райхон, помидор, булғор қалампери ва турли гул кўчатлари экилди. Дарахтлар оқланди ва бўш ерларга манзарали, мевали кўчатлар ўтқазилди. Махсус транспорт воситалари ёрдамида чиқиндилар олиб чиқилди. 11 та эҳтиёжманд оилга кумак берилиб, хонадонлари, томорқалари тартибга келтирилди.

Гулистон туманидаги Аҳмад Ясавий номли маҳаллада ҳам хайри ташаббуслар амалга оширилди. Ободлик ишлари билан бирга, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинди, улар мулоқот қилиниб, муаммоларига ечим топиляпти. Мисол учун, масъул ташкилот вакиллари шу маҳаллада яшовчи 85 ёшни қаршилаган Ашур Тангиркулов хонадониди бўлиб, муаммосига ечим топилди.

— Маҳалламизда амалга оширилаётган ишлардан мамнунмиз, — дейди А.Тангиркулов. — Бугунги ташаббуслар туфайли йиғинимиз янада чирой очяпти. Қолаверса, Камбағал-


ликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликлари мутасаддилари эҳтиёжманд, кам таъминланган, беморлари бор хонадонлардан хабар олаётгани оғиримизни энгил қияпти. Мен ҳам эшитиш мосламам эскиргани учун ёрдам сўраганим, шу куннинг ўзиде тиббий текширувдан ўтказишиб, янги мослама беришди.

Мирзаобод туманидаги «Богистон» маҳалласидаги ўзгаришлар, ободонлаштириш ишлари маҳалла аҳлининг кўнглини кўтарди. Масъуллар бу ерда фуқаролар билан самимий суҳбатлашиб, уларнинг таклиф ва мурожаатларини тинглади. Маҳалладаги юмушларни энгиллаштириш ва аҳолига қулайлик яратиш максдада фуқаролар йиғинига эҳтиёждан келиб чиқиб, мотокультиватор, ўт ўргич, кетмон ва белкураклар, мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул, райхон кўчатлари етказиб берилди.

Умуман олганда, Сирдарёни обод ва кўркам гўшага айлантириш, мазкур тажриба орқали бутун республикадаги маҳаллаларнинг гуллаб-яшнаши, гўзал қиёфа касб этишига қаратилган бу каби хайри ишлар вилоятнинг барча ҳудудларида давом эттирилмоқда.

### Бугунги сонда:

«Ташаббусли бюджет»да ғолиб бўлай десангиз...



«Маҳалламиз «Ташаббусли бюджет» танловида мунтазам қатнашиб, ҳозиргача умумий ҳисобда 6 та лойиҳада ғолиб бўлди. Эътиборлиси, жами 18 км. ички кўчамиз бўлса, бугунга келиб, 95 фоизи айнан юқоридаги лойиҳа эвазига асфальтланди. Ташаббуснинг жорий йилги 1-мавсумида 2 та лойиҳа билан қатнашиб, энг кўп овоз тўплади».

Истеъмол кредитида энди чеклов йўқ, аммо...




Президентнинг 2023 йил 10 апрелда тегишли қонун билан «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонунга ўзгариш киритилди. Унга кўра, истеъмол кредити ҳисобидан харид қилинаётган товарлар ва хизматлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган бўлишига оид чекловлар олиб ташланди. Эндилкида банкдан истеъмол кредити олар экансиз, бу маблағга исталган мамлакатда ишлаб чиқарилган маъсулотни харид қилишингиз мумкин.

Лайлатул Қадр кечасини қайси кунда топамиз?



Дастлаб Қадр Рамазон ойининг нечанчи кечаси экани Аллоҳ ва Расули томонидан сир тутилган эди. Лекин соҳабалар Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи ва салламдан Қадр кечасини аниқлаб айтиб беришларини қайта-қайта сўрашгач, у зот аввал ойнинг учинчи ўн кунлигидан, кейинроқ ойнинг охири етти кечасидан, сўнгра ойнинг охири ўн кунлигининг тоқ кечаларидан излаш кераклиги ҳақида айтганлар.



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг!

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@xolis\_nazar @xolis\_nazar @xolisnazar @xolisnazar

## 9 406 та маҳалла «Ташаббусли бюджет»да қатнашди

2021 йилда эксперимент тариқасида бошланган «Ташаббусли бюджет» икки йил ичида йирик лойиҳага айланиб улгурди. Агар биринчи йили овоз бериш жараёнида 1,2 миллион аҳоли иштирок этган бўлса, бу йил биринчи мавсумнинг ўзиде уларнинг сони 16 миллиондан ошди. Эътиборлиси, илк мартаба «Ташаббусли бюджет» дастурида республиканинг барча маҳаллалари ўз лойиҳаси билан иштирок этди. 34 000 та лойиҳа овозга қўйилиб, 1 666 таси ғолиб бўлди.



2-саҳифада.

## Нега масъуллар эмас, маҳалла раиси жазоланади?

5-саҳифада.




Иш берувчига имтиёз берилса...

Талабалар сарсон бўлмай иш топади

Талабаларни 2-курсдан бошлаб ишлаши учун уларни иш билан таъминлайдиган иш берувчиларга турли имтиёзлар тақдим этилиши янги иш ўринлари пайдо бўлишига хизмат қилади. Масалан, 2-курс битирувчисини ишга қабул қилган ташкилотларга солиқ имтиёзлари, субсидиялар бериш йўлга қўйилса, натижа янада самарали бўлади. 7-саҳифада.

Камбағалларга кешбек қандай самара беради?



КЕШБЕК ЎРНИГА ГЎШТ, ТУХУМ, ЁҒ МАҲСУЛОТЛАРИ УЧУН ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ШАХСЛАРГА МАЪЛУМ МИҚДОРДА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНИШИ ҲАМ ОСОН, ҲАМ САМАРАЛИ БЎЛАДИ

4-саҳифада.



Жазо қатъий бўлмаса, фирибгарлар камаймайди

5-саҳифада.

2023 йил 1 январдан маҳаллаларнинг мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми фуқаролар йиғинининг ўзида қоладиган бўлди. Бу «Маҳалла бюджети» тизими орқали амалга оширилади. Дастлабки босқичда 14 худуддан биттадан (солиқларни ундириш кўрсаткичи паст бўлган) туманда мазкур тизим ҳуқуқий эксперимент тарихида жорий этилиши белгиланган.



МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ

# Молиявий имконият жамоатчилик манфаатини кўзлайди

Қайд этиш керак, «Маҳалла бюджети» тизими асосида шакллантирилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши тақлиф этилаётган ва амалга оширилган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштириб борилади. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тақлифлар овоз бериш йўли орқали саралаб олинди ва уларга шакллантирилган маблағлар йўналтирилади. Бунда маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, худудни ободонлаштириш, ижтимоий ҳимоя соҳаларига эътибор қаратилади.

Дарҳақиқат, юқоридаги тизим фуқаролар йиғинларининг том маънода демократик институт сифатидаги иш фаолиятига моддий асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, маҳалла фаолларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг йиғинининг ўзидан тўланадиган ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун зарур маблағлар манбаси яратилгани катта ижобий қадам бўлади. Шу билан бирга, маҳалланинг молиявий имкониятлари кенгайтирилиши унинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни тан олинаётганининг яққол далили ҳамдир.

Маҳалладаги молиявий имкониятлар жамоатчиликнинг манфаатларига, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилши ҳақида сўз борганда, бир қатор жиҳатларга эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, маҳалла худудида истиқомат қилаётган Ягона реестрга киритилган фуқароларга моддий ёрдам ва бошқа маблағларни маҳалла ҳисоб-рақамида тўғридан-тўғри молиялаштириш мумкин. Иккинчидан, маҳалла худудидаги қабристонларни, ички кўчаларни таъмирлаш ва сақлаб туриш харажатларини туман бюджетидан маҳалла доирасида ўтказиш яхши самара беради. Учунчидан, маҳалладаги айрим фуқароларнинг тўй ва дафн маросимларига моддий ёрдам бериш, меҳнат фахрийларини сихатгоҳларга юбориш каби ишларни ҳам маҳалла доирасида амалга ошириш мумкин. Юқоридаги сарф-харажатларни молиялаштиришда ер ва мулк солиғини ундиришдан тушган маблағлар ҳамда йиллик харажатлардан келиб чиқиб, туман, вилоят ёки республика бюджетидан бериладиган субсидия — ерданлар ҳисобига бажариш мақсадга мувофиқдир.

Санжар ИСМАТОВ.

ҲОЛАТ

## Тошкентга трамвай қайтадимми?

— Кейинги пайтда бот-бот Тошкентга яна трамвайлар қайтиши ҳақида гап-сўзлар янграй бошлади. Бу қанчалик тўғри?

Аваз ШОДМОНОВ, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани.

Наврўз АШИРМАТОВ, Транспорт вазирлиги ахборот хизмати раҳбари. — Пойтахт аҳолиси йилига 100 минг нафарга, транспорт воситалари сони 2022 йилда 76 мингга ўсганини ҳисобга олсак, ҳозирда тирбандлик кузатилаётган асосий транспорт артерияларимизга юклама ортиб боришини тушунамиз. Айниқса, бу юклама ўқув йили бошланишида — сентябрь ойида яққол намоеён бўлади. Айни шу омилар натижасида пойтахтга яна трамвайларни қайтариш ҳақида тақлифлар бўлаётгани ҳақиқат. Аммо бу бирданга бўладиган жараён эмас. Ўзига хос тартиблари бор. Яъни аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, бир томонга бир соат ичида ҳаракатланадиган жамоат транспорти ташув қувватларига асосан, турлари танла-

нади. Олдин оддий автобуслар, кейин алоҳида йўлақларда ҳаракатланадиган кичик интервалли катта ва 130 та йўловчига мўлжалланган ўта катта сифимли автобуслар, талаб яна ортиб борганида эса бир вақтнинг ўзида 250 та йўловчи сифирадиган замонавий трамвай тизимини, кейинги босқичда битта ҳаракат таркибида 1 200 тагача йўловчи сифирадиган метро тизимлари жорий этилади. Ҳозирда ўта катта сифимли автобустга эга паркимиз бўла туриб, тирбанд бўлган кўчаларда автобус йўлақлари ўрнига трамвай тизимини жорий этиш тўғри қадам бўлмайди. Сабаби, геология тадқиқот ишлари, лойиҳалаш кейин узоқ муддатли қурилиш ишларини олиб бориш 3-5 йилни талаб этади. Бу ерда бизга маълум олдинги трамвай ҳақида гап кетмаяпти, янги трамвай тизими атрофдаги иншоотларга вибрацион

таъсир кўрсатмайдиган, рельслари чоксиз ва деярли шовкинсиз ҳаракатланадиган, талаб этиладиган худудларда контакт рельслар орқали электр қувватланиб ҳаракатланиш имкониятига эга, 3 ёки 5 секциядан иборат, 250 та йўловчи сифимига эга замонавий трамвай ҳақида гапиряпмиз. Яъни жараёнга инсонлар учун жамоат транспорти ракурсида қарашимиз зарур. Ҳозирда мавжуд ҳолатни таҳлил қилган ҳолда, биринчи навбатда, шаҳримизнинг 13 та муҳим транспорт коридорларида жамоат транспорти учун устуворликни таъминлаш, янги трамвай лойиҳаларини эса прогноз даврларда аниқ катта оқим бўладиган йўналишлардан бошлаш, кейинчалик талабдан келиб чиқиб, бу тизимни ривожлантириш бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирда мавжуд ҳолатни таҳлил қилган ҳолда, биринчи навбатда, шаҳримизнинг 13 та муҳим транспорт коридорларида жамоат транспорти учун устуворликни таъминлаш, янги трамвай лойиҳаларини эса прогноз даврларда аниқ катта оқим бўладиган йўналишлардан бошлаш, кейинчалик талабдан келиб чиқиб, бу тизимни ривожлантириш бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Камол АБИЛОВ. Тошкент шаҳри Чилонзор тумани.

ТАШАББУС

## 9 406 та маҳалла «Ташаббусли бюджет»да қатнашди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Маълумотларга кўра, лойиҳа доирасида сўнги уч йилда 57 триллион сўм маблағ ажратилган. Бу маблағлар ҳисобига 3 500 та маҳаллада ички йўллар, яна шунчасида боғча, мактаб ва шифохона таъмирланган. 1 019 та маҳаллада ичимлик ва оқова сув таъминоти яхшиланиб, 452 таси замонавий қиёфага келтирилган. «Инсон кадр» тамойили асосида бу йил маҳаллаларга ажратилаётган маблағлар кўлами 25 триллион сўмга етказилди. Хусусан, «Ташаббусли бюджет» дастури доирасида 8 триллион сўм кўзда тутилган.



Жорий йил 10 апрел санасида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган йиғилишида ғолиб лойиҳаларни сифатли бажариш билан бирга, бошқа лойиҳаларга ҳам эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади. Шу бонис ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 1 309 та лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча 1,3 триллион сўм маблағ ажратилади. Бунда қўшимча 1 182 та маҳалла бўйича 4,3 миллион нафар фуқаро овоз берган лойиҳалар амалиётга татбиқ этилади. Қолаверса, ҳар бири 1,5 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган лойиҳалар таҳлили ўтказилиб, 2024 йилги бюджетни шакллантиришда инobatга олинади.

Худди шу куни имзоланган «Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада тақомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, ғолиб деб топилган 2 975 та лойиҳанинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши қатъий назоратга олинади. Бунда жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш сўнги мудда-

ти этиб — июль ойи, қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш сўнги муддати этиб — август ойи белгиланди. Ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари доирасида бюджет ташкилотларининг раҳбар ходимлари томонидан мажбурий овоз йиғиш бўйича ходимларга топшириқ беришлари таъкидланади. Бунда мажбурий овоз йиғишга мажбурлаш тегишли ташкилот ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш сифатида таснифланади. Қолаверса, «Ташаббусли бюджет» жараёнида овоз тўплаш ва ғолибларни аниқлаш механизми танқидий кўриб чиқилади. Умуман олганда, мазкур жараёнларда одамларнинг фаолиги ошди, ўз солиқларини ўзлари хоҳлагандек ишлатишда бевосита иштирок эта бошлашди. Бунда одамлар ўз манфаати эмас, халқ манфаати учун бир тану бир жон бўлиб рақобатлашди. Инсонлардаги бирдамлик, жипслик эса эртанги кунга бўлган ишончни оширади.

Имонахон ИБРОҲИМОВА.

ҚАРОР

## «Ижтимоий иссиқхона»лар ташкил этилади

«Қишлоқ хўжалиги корхоналари дала четларидаги ер майдонларида махсулот етиштириш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Президент қарорига мувофиқ: > оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида қишлоқ хўжалиги ерлари атрофида коллектор-дренаж тармоқлари мавжуд бўлган фермер хўжаликларига зовур сувларида 200-250 боддан ўрдак боқиш ва асалари уяси ташкил қилиш учун йиллик 14 фоз ставкада имтиёзли кредитлар ажратилади; > 2023-2025 йилларда Сирдарё вилоятида фойдаланилмай бўш турган дала четлари ҳамда коллектор-дренажлар атрофларидаги 500 гектар майдонда ихчам «ижтимоий иссиқхона» ташкил қилиниб, «Темир дафтар», «Ешлар дафтари», «Аёллар дафтари»га киритилган ҳамда меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга тайёр ҳолда 2,5 сотихдан ажратилади.

БИЛАСИЗМИ?

## Ипотека кредити ажратишда тартиб ўзгарди

«2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони мувофиқ, бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг амалдаги тартибига 2023 йил 1 майдан ўзгартаришлар киритилади.

1. Банкларга расмий даромадга эга бўлмаган шахсларга ипотека кредитини ажратишда уларнинг тўлов қобилиятини аниқлашнинг муқобил усулларидан фойдаланишга ружсат берилади. Жумладан, қарз олувчининг банк картаси айланмаси, ижара, коммунал ва қонунчилик ҳужжатларида таъкидланмаган бошқа харажатларини инobatга олувчи скоринг тизими жорий қилинади. 2. Банкларга қарз олувчи томонидан тўланган дастлабки бадал миқдори, имтиёзли давр муддати ва бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб, субсидиясиз ажратилади-

ган ипотека кредитлари бўйича табақалаштирилган фозиз ставкаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилади. 3. Уй-жой сотиб олиш ёки яққа тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун олинadиган ипотека кредитлари бўйича берилган субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномаларнинг амал қилиш муддати 4 ой этиб белгиланади. 4. 2023 йил учун ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишга доир аризалар тасдиқланган параметрлар доирасида 2023 йил 1 майдан 2023 йил 1 декабргача қабул қилинади.

## Ҳайдовчилик гувоҳномасини «онлайн» оلسа бўлади

— Хабарингиз бор, жорий йил 31 март — 2010 йилгача олинган ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштиришнинг охириги муддати эди. 1 апрелдан бошлаб, ушбу турдаги гувоҳномалар ҳақиқий эмас, деб топилди. Айрим сабабларга кўра, 2009 йилда олган гувоҳномани алмаштиришга улгурмадим. Энди мен жарима тўламанми? Бунда ҳолда янги «права» олиш учун қайтадан имтиҳон топшириладими?

Камол АБИЛОВ. Тошкент шаҳри Чилонзор тумани.



Жалололдин ХОЛМУРОДОВ, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Давлат хизматлари маркази директори: — Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига 2010 йилгача бўлган даврда гувоҳнома олган ҳамда ҳали янгисига алмаштиришга улгурмаган фуқаролар сони 5 500 нафарни ташкил этди. Йил охиригача янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига алмаштириладиган эски «права»лар сони эса 279 мингта. Эндиликда 30 июнгача — 2010-2012 йилларда, 30 сентябргача — 2013-2015 йилларда, 31 декабргача — 2015 йилдан кейин берилган гувоҳномалар алмаштирилиши лозим. Айтиш керакки, 1 апрелдан кейин ҳам ДХМ ёки ЙХХХга бориб ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштиришга бўлади. Муддат ўтгани учун жарима

ундирилмайди, қайтадан имтиҳон топшириш талаб этилмайди. Бироқ муддати ўтган гувоҳнома билан машина ҳайдаш «транспорт воситасини ҳужжатсиз бошқариш» деб ҳисобланади ва бу ҳолат аниқланган тақдирда ЙПХ ходимлари томонидан маъмурий баённома расмийлаштирилади. Қонунчиликда ҳужжатсиз машина бошқарганлик учун БХМнинг бир баравари (айни пайтда 300 минг сўм) миқдоридagi жарима кўзда тутилган. Шу ўринда яна бир янгилик: 2023 йил 12 апрелда қабул қилинган «Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш тартибини соддалаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарорига кўра, 2023 йил 15 апрелдан миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини, шу жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (пу.gov.uz) орқали ҳам ариза берувчи-

ларнинг бевосита иштирокисиз расмийлаштириш тартиби жорий этилади. Бунда ариза берувчиларнинг бош бармоқ изи маълумотлари жойлаштирилади, агар ахборот тизимларида мазкур маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ариза берувчилар ўзларининг имзо намунасини электрон шаклда тақдим этади. Гувоҳнома олиш ҳамда эскисини янгисига алмаштириш бўйича аризалар фуқароларнинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетини орқали онлайн тарзда хар кун, дам олиш ва байрам кунларидан қатъий назар, 24 соат давомида бажарилиши мумкин. Янги расмийлаштирилган ҳайдовчилик гувоҳномаларини почта орқали олиш имконияти яратилади. 2023 йил якунигача барча мавжуд ҳайдовчилик гувоҳномалари жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақамига боғланган ҳолда рақамлаштирилади.

ЯНГИЛИК

# ЖАМИЯТ

WWW.UZMAHALLA.UZ

НИГОХ

## Давлат дастурида маҳаллага оид қандай ўзгаришлар бор?



Ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурларида маҳалла тизимига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, 2022 йилда «Фаол маҳалла модели», «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилди. Ҳўш, 2023 йилги Давлат дастурида маҳаллага оид қандай вазифалар мавжуд?

Отақул МУҲАММАДИЕВ,  
Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги «Кичик Хирмонтёпа» маҳалласи раиси.

**Элмурод ҚАРШИЕВ,**  
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги масъул ходими:

— 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури кўра:

☑ 2023 йилда фуқароларнинг ўз маҳалласи ҳаётидаги иштироки кучайтирилади ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар йўлга қўйилади. Бунинг учун «Рақамли маҳалла» марказини ташкил этиш ҳамда «Ижтимоий маҳалла» ахборот тизимини жорий қилиш кўзда тутилмоқда. Ахборот тизимига ижтимоий дафтарларга киритилган фуқароларга кўрсатилган ёрдам ҳақидаги маълумотлар киритиб борилади;

☑ давлат органлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатишнинг замонавий шакллари жорий этилади. Унга кўра, маҳалла раиси томонидан аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш мақ-

садида мунтазам равишда муҳокамалар ўтказилади. Ҳар ойда маҳалла кенгашида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг амалга оширилган ишлар бўйича ахборотлари эшитилади;

☑ «Маҳалла назорати» ва «маҳалла раиси сўрови» институтлари жорий қилинади. Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар бериш, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, эшитиш, мониторинги, экспертизасини ўтказиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш тартиблари ишлаб чиқилади. Бунга Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва Адлия вазирлиги жавобгар;

☑ маҳаллаларнинг ҳудуди, майдони, инфратузилмаси, чегараси акс этган харитаси, хонадонларнинг жойлашуви, рақамлари ва кўча номларининг ягона базаси юритилади. Қолаверса, 40 турдаги маълумотларнинг ягона базаси шакллантирилади. Бош ижрочи — Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги;

☑ маҳаллаларга тегишли ҳудуддаги

туман (шаҳар) маҳаллий Кенгашлари сессиялари кун тартибига кўриб чиқиш учун таклиф киритиш ҳуқуқи берилади. Қолаверса, маҳаллалар туман (шаҳар) маҳаллий Кенгашларининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этишлари мумкин бўлади;

☑ ҳар бир маҳалланинг «ўсиш нуқталари» ва уларда яшовчи аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, маҳаллалар қошида тadbиркорлик субъектлари ташкил этилади;

☑ Маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича 2023-2025 йилларга мўлжалланган манзилли дастур ишлаб чиқилади ҳамда хизмат биносидида муаммоси бўлган 2 327 та маҳалла учун бино қурилади. Бош ижрочи — Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги;

☑ «Маҳалла институтининг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қарор топишидаги ўрни ва роли: кеча, бугун ва эртага» мавзусида илмий-амалий конференция, «Маҳалла институтининг жамият ҳаётида тугган ўрни» мавзусида халқаро форум ўтказилади.

МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯМ

## Маҳалла давлат ҳокимияти органи эмас...



— Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси муҳокамага қўйилгани жуда катта сиёсий ўзгаришларга сабаб бўлди. Яъни қонунчиликдаги бўшлиқлар тўлдирилди, янги моддалар қўшилди. Бу борада маҳалла соҳасида қандай ўзгаришлар белгилангани ҳақида маълумот бера оласизми?

Файрат ТОШПҮЛАТОВ,  
Ўзбекистон туманидаги «Мингтут» маҳалласи раиси.

**Севара УРИНБОЕВА,**  
Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Янги таҳрирдаги Конституция Ўзбекистон жамиятининг эволюцион ривожланишидан келиб чиқётган ҳаётий зарурат бўлиб, бу иш мамлакат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олишимиз учун ғоят аҳамиятли масала, адолатли жамият қуриш йўлидаги улкан қадамдир. Янги таҳрирдаги Конституциядаги моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага ошди. Асосий қонунимиз халқимиз тақдирлари асосида қарийб 65 фойзга янгиланди.

Конституцияда жамиятдаги барча масалалар ечими чинакам халқ овози бўлган маҳалла

даражасига туширилиши қайд этилган.

Яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги белгилаб қўйилмоқда. Конституциямизда мазкур қарорнинг белгиланиши маҳаллаларга ўз ҳудудини мустақил бошқариш, аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, давлат билан шериклик асосида муаммоларни ҳал этиб бориш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга муҳим имкониятларни тақдим этади.

БИЛАСИЗМИ?

## Қайси тоифадаги хотин-қизларга ўқишга тавсия берилади?

**Қонунчиликка кўра, эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга ОТМга қиришда давлат гранти асосидаги қабул доирасидаги танловда иштирок этиш учун тавсиянома берилади.**

Тавсиянома куйидаги мезонлар асосида берилади:

- кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар;
- тўлиқсиз оилада тарбияланаётган, яъни отаси ёки онаси ёхуд уларнинг иккаласи ҳам вафот этган ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар;
- турмуш ўртоғи вафот этган, вояга етмаган фарзандини ёлғиз тарбиялаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар;
- ногиронлиги бўлган фарзанди бор эҳтиёжманд оила-

лардаги хотин-қизлар;

- 2 ва ундан ортик фарзандини тарбиялаётган, қариндошларидан алоҳида (ижарада) яшаётган ёлғиз аёлларнинг киз фарзандлари;
- ота-оналаридан бири ёки ҳар иккиси ҳам I ёки II гуруҳ ногирони бўлган эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар.

Тавсиянома олиш учун туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларига электрон шаклда мурожаат қилинади.

ТАШАББУС

## «Ташаббусли бюджет» да қандай ғолиб бўлиш мумкин?»

МАҲАЛЛАМИЗ БУ ЙИЛ КЕТМА-КЕТ 3-МАРТА ҒОЛИБЛАР САФИДАН ЖОЙ ОЛДИ. УМУМИЙ ҲИСОБДА 6 ТА ТАШАББУСЛИ ЛОЙИХАНИНГ ҒОЛИБИ БЎЛГАНМИЗ



Дарҳақиқат, шундай. Маҳалламиз «Ташаббусли бюджет» танловида мунтазам қатнашиб, ҳозиргача умумий ҳисобда 6 та лойиҳада ғолиб бўлди. Эътиборлиси, жами 18 км. ички кўчамиз бўлса, бугунга келиб, 95 фойзи айнан юқоридаги лойиҳа эвазига асфальтланди.

Ташаббуснинг жорий йилги 1-мавсумида 2 та лойиҳа билан қатнашиб, энг кўп овоз тўпладик. Биринчи лойиҳага кўра, Обод ва Нафосат кўчаларига янги симёғоч, 250 кВт.ли янги 4 та трансформатор ўрнатиш, кабель тортиш, иккинчисида Биллур кўчасини асфальтлаш имконига эга бўлди. Икки лойиҳамиз учун бюджетдан 2 миллиард 345 миллион сўм маблағ ажратилган бўлди.

Шу кунгача жами 6 миллиард 300

миллион сўм маблағ ютиб олдик. Биринчи лойиҳа асосида «Менинг йўлим» дастурида 2 та, яъни Биллур ва Обод кўчамизнинг 2 км. 300 метр қисми асфальтланишига эришдик. Бунинг учун 1 миллиард 150 миллион сўм ажратилди. Иккинчи ғолиб-ликда Дўстлик ва Обод кўчасининг 4 км. 600 метр масофасини асфальтлаш учун 1 миллиард 200 миллион сўм маблағга эга бўлдик.

Навбатдаги танловга оқова сув муаммосини ҳал этиш ташаббусини қўймоқчимиз. Бундан ташқари, хашар йўли билан тоза ичимлик сув тармоғи, ўтиш кўприкларини бунёд этдик.

Мендан бу натижаларга қандай эришадиганимизни сўрашди. Ягона сабаб — аҳолини бир мақсад йўлида бирлаштира оляпмиз.

Яқинда ҳомийлар ёрдамида хашар йўли билан тез тиббий ёрдам биносини қуриб битказдик. Бунинг учун 195 миллион сўм маблағ сарфладик. Ўз навбатида туман тиббиёт бирлашмаси маҳалламизга «Damas» автомашинаси совға қилди. Мухими, йиллар давомида ҳал бўлмаётган муаммага аҳолининг сўй-ҳаракати билан ечим топдик. Бу — бир мақсад йўлида бирлигимиздан.

Дилшод ШЕРАЛИЕВ,  
Наманган вилояти Норин туманидаги «Учтепа» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

## Қайси ҳолатда даромад солиғи ушланмайди?

— Кейинги пайтда солиқ соҳасида қўллаб янгиликлар бўлди. Жумладан, бир қатор тоифадаги аҳолига турли имтиёзлар яратилган. Айтинг-чи, қайси ҳолатда фуқаролардан даромад солиғи ушлаб қолинмаслиги керак?

Шерзод ХАБИБУЛЛАЕВ, Наманган вилояти Чортоқ тумани.

**Режамат ТУРСУНБОЕВ,**  
Тошкент вилояти солиқ бошқармасининг жисмоний бошқарма хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи:

— Солиқ кодексининг 380-моддаси 3-бандига биноан, айрим тоифадаги ходимлар даромадининг маълум миқдори учун даромадлар бўйича солиқ тўлашдан озод этилади. Бу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

Шунингдек, 378-моддага кўра, моддий ёрдам суммалари, солиқ агенти томонидан айрим йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари (бундан туристик йўлланмалар мустасно), ўз ходимларига ҳамда уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки)

стационар тиббий хизмат кўрсатилгани учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек, иш берувчининг даволашга ҳамда тиббий хизмат кўрсатишга, ногиронлик профилактикаси ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олишга оид харажатларидан даромад солиғи олинмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида фуқароларининг мамлакатдан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи ва бошқа суммалар, вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар (агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан



таъминлаш марказлари кўмағида амалга оширилаётган бўлса), халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллагани учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти, солиқ тўловчиларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинмаган даромадлар ҳам шу тоифага кирди.

Шунингдек, юқоридаги модда асосида яна бир қанча ҳолатларда даромадлар солиққа тортилмайди.

ЁДДА ТУТИНГ!

## Кимлар «Ўзбекистон» расмий номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга?

**Қуйидаги юридик шахслар ўз номлари ва рамзларида «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» расмий номларидан, шунингдек, улардан ҳуқуқсиз сўзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга:**

➢ Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мувофиқ ташкил этиладиган ёки фаолиятини ташкил этиш амалга оши-

риладиган юридик шахслар, агар уларнинг номлари тегишли ҳужжатларда тўғридан-тўғри назарга тутилган бўлса;

➢ Ҳуқуқат қарорига кўра ташкил этиладиган давлат унитар корхоналари ҳамда давлат органлари ва республика аҳамиятига молик ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган давлат муассасалари;

➢ устав фондида (устав капиталда) давлат улуши 50 фойздан ортиқ бўлган ҳўжалик жамиятлари;

➢ юридик шахслар республика аҳамиятига эга бўлган бирлашмалари;

➢ республика нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек номларида бош ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатилмаган уларнинг алоҳида бўлинмалари;

➢ давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилган мурожаатлари асосида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар.

МУҲОКАМА

# КАМБАҒАЛЛАРГА КЕШБЕК ҚАНДАЙ САМАРА БЕРАДИ?

**КЕШБЕК ЎРНИГА ЮҚОРИДА НОМЛАРИ КЎРСАТИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР  
УЧУН ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ШАХСЛАРГА МАЪЛУМ МИҚДОРДА  
КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНИШИ ҲАМ ОСОН, ҲАМ САМАРАЛИ БЎЛАДИ**



**САВОЛ:**

«2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, 1 майдан бошлаб «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган шахсларга гўшт, ёғ ва тухум сотиб олганлик учун 12 фоиз кешбэк қайтарилади. Хўш, у қандай тартибда амалга оширилади?

**ЖАВОБ:**

— Президент қарорига асосан, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган жисмоний шахслар чакана савдо объектларидан айрим товарларни сотиб олганда харид суммасидан 1 фоиз миқдордаги кешбэк ўрнига 12 фоиз ҚҚС қайтарилади. Бунинг учун «Soliq» иловасида Face ID орқали рўйхатдан

ўти, харид чекини сканерлаш керак.

Мазкур имтиёздан фойдаланиш учун харидор «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да бўлиши, сотиб олинган маҳсулот ҚҚС қайтариладиган маҳсулотлар рўйхатига кириши, тадбиркорнинг ҚҚС тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши зарур. Реестрдаги истеъмолчи ҚҚС қайтариладиган маҳсулотлар билан бирга,

бошқа турдаги маҳсулотларни харид қилиб, чекни рўйхатдан ўтказганда, имтиёз белгиланган маҳсулотлар учун 12 фоиз, бошқа турдаги товарлар учун 1 фоиз кешбэкка эга бўлади. Тадбиркор ҚҚС тўловчиси бўлмаса, барча маҳсулотлар учун ҳозиргидек 1 фоиз кешбэк қайтарилади. ҚҚС суммаси кейинги ойнинг 25-санасидан сўнг «Soliq» мобиль иловаси орқали тўлаб берилади.

**Дилдора ҲОШИМОВА,**  
Давлат солиқ кўмитасининг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бошлиғи



**МУАММО:**

Юқоридагилар тушунарли, мазкур амалиёт орқали «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган аҳолига ёғ, тухум ва гўшт харидидан ҚҚС қайтариш орқали 2 миллиондан ортиқ оилага енгиллик яратилиши айтиляпти. Бирок биз(ким?) ни масаланинг бошқа томони ўйлантиряпти:

➤ биринчидан, Ягона реестрда, асосан, кам таъминланган, эҳтиёжманд ои-

лалар киритилади. Бу вазиятда уларда «Soliq» иловасини юклаб, Face ID орқали рўйхатдан ўтиш имконияти бўлармикан? Бу тоифадаги оилалар смартфон, интернет ишлатадими? Айниқса, қишлоқ жойларда ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар оддий сенсорсиз, қоникарли камерасиз, тугмали телефон ишлатади;

➤ иккинчидан, шаҳар ва туман марказларини ҳисобга олмаса, аксарият қишлоқда яшовчи камбағал аҳоли, асо-

сан, деҳқон бозорларидан озиқ-овқат харид қилади. Бозорларда эса ҳали харид учун деярли чек берилмайди. Супермаркет, чек берувчи дўконлардан савдо қилмаган киши бу имтиёздан фойдалана олмаслиги турган гап;


➤ учинчидан, кешбек миқдори кам ва бу одамларни қизиқтира олмаслиги мумкин. Мисол учун, дўкондан 100 минг сўмлик имтиёзли маҳсулот харид қилинганда, 12 минг сўм қайтарилади, холос.

*Юқоридагилардан кўринадики, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган шахсларга қандайдир имтиёз, қулайлик яратилар экан, бу ўринда фақат пойтахт ёки вилоятлар, туманлар марказидаги аҳоли эмас, қишлоқ жойлардаги фуқаролар имкониятлари ҳам ҳисобга олинмоғи даркор. Зеро, гўшт, тухум ва ёғ маҳсулотлари учун кешбек қайтарилишидан фақатгина шаҳарда яшовчилар манфаатдор бўла олади, холос.*

**ТАКЛИФ:**

*Агар давлат камбағал аҳоли қатламга кўмак беришни мақсад қилар экан, бундан қандайдир моддий кўринишда бергани маъқул шекилли. Мисол учун, ҳозирда айрим тоифадаги шахсларга озиқ-овқат хариди учун компенсация тўланади. Бу нафақа, пенсияга қўшиб берилади. Шундан келиб чиқиб, кешбек ўрнига юқорида номлари кўрсатилган маҳсулотлар учун ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга маълум миқдорда компенсация тўланиши ҳам осон, ҳам самарали бўлади.*

**ТАДҚИҚОТ**



## Солиқ тўламасдан «ЮТИШ», аслида, «ЮТҚАЗИШ» дир

**БУ МАБЛАҒ ҲИСОБИГА 500 ЎҚУВ ЎРИНЛИ 4 100 ТА МАКТАБ ҚУРИШ ЁКИ БАРЧА ҲУДУДЛАРДАГИ ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИ СИФАТЛИ ТАЪЛИМ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИШ УЧУН МАВЖУД 10 522 ТА МАКТАБНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ АНЖОМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУМКИН**

**Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумотларига кўра, 2022 йилда жами иқтисодий фаол аҳоли 14,98 миллион кишини ташкил қилган. Ундан жами 13,7 миллион киши иш билан банд бўлиб, уларнинг 6,5 миллион (47 фоиз) нафари расмий секторда банд.**

Иқтисодий фаол аҳоли, бу — иқтисодиётда банд бўлганлар ва ишсизларни ўз ичига олади. Бунга талабалар, бола парварлари билан «декрет» таътилида ўтирганлар ва ўз хоҳишига кўра ишламайдиганлар кирмайди.

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти мутахассислари Ўзбекистонда норасмий бандлик ҳолатини таҳлил қилди. Унга кўра, иқтисодий фаолият турлари бўйича жами норасмий секторда банд бўлганларнинг энг катта улуши, яъни 34 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида меҳнат қилади. Худди шу кўрсаткич савдода 14 фоиз, қурилишда 14 фоиз ва саноатда 11 фоизни ташкил этади.

Норасмий бандлар, бу — юридик шахс мақомига эга бўлмаган корхоналарда ишлайдиган ишчилар. Ушбу тоифага меҳнат муносабатларини рўйхатдан ўтказмасдан ишлайдиган хуфёна сектор вакиллари билан ташқари, рўйхатдан ўтмаган яқка тартибдаги тадбиркорлар, ўзини ўзи банд қилганлар ва уларнинг

ишчилари киради.

Таъкидлаш жоизки, норасмий секторнинг катталиги ҳуқуқматларга иқтисодий сиёсатни самарали амалга ошириш ва иқтисодиётни тартибга солишда қийинчилик туғдиради. Мисол учун, мазкур секторда банд бўлганлар соҳалар кесимида расмий секторда банд бўлганлар билан бир хил миқдорда иш ҳақи олади, деб фарз қилинса, 2022 йилнинг ўзида 9 миллиондан ортиқ аҳоли норасмий секторда банд бўлгани ҳисобига давлат бюджетига солиқ кўринишида 32,9 триллион сўм маблағ келиб тушмаган.

Бюджет маблағларининг ярмидан кўпи ижтимоий соҳага йўналтирилиши инobatга олинса, бу маблағ ҳисобига 500 ўқув ўринли 4 100 та мактаб қуриш ёки барча ҳудудлардаги таълим олувчиларни сифатли таълим билан қамраб олиш учун мавжуд 10 522 та мактабнинг моддий-техник базасини замонавий ўқув анжомлари билан таъминлаш мумкин.

Ёки бўлмаса, 3 737 та амбулатор тиббий муассаса қуриш, тиббий ходимлар ойллик маошини 7,8 миллион сўмга, ўқитувчиларнинг ойллик маошини 7,2 миллион сўмга етказиш мумкин бўларди. Кўринадики, тегишли солиқларни тўламасдан бироз кўпроқ даромад олиш орқали «ютиш» бевосита бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланишдаги «ютқазиш»га олиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда Ўзбекистонда норасмий секторда банд бўлганлар сони маълум даражада (2020 йилдаги 43 фоиздан 2022 йилда 40 фоизга) пасайди. Бунда ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, солиқ соҳасида қулайликлар яратиш, тадбиркорликни рақамлаштириш ва ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари ташкил этилгани аҳамиятли.

Энг муҳими, ҳар биримизнинг расмий фаолият юритиш борасидаги қароримиз ўзимизга ва жамиятга юқоридаги каби қатор афзалликлар беришини, ҳаётимизни сифат жиҳатдан яхшилланишига ҳисса қўишини ёдда тутишимиз лозим.

**Муҳаммад Али ИБРОҲИМОВ.**

**БИЛАСИЗМИ?**

## Агар низо вужудга келса...



**Хабарингиз бор, вазирлик ва идоралар қисқартирилиши муносабати билан кўпчилик корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларга оғохлантириш хатлари берилган ва уларнинг тугаш мuddати апрель ойи деб белгиланган. Аммо яқинда бу мuddат яна 1 ойга узайтирилди. Айни шу ҳолат кўп мулоҳазаларга сабаб бўлди.**

Х.АБДУРАҲИМОВ.

Хусусан, корхона ва ташкилотда ишлаб келаётган ходимларнинг ойллик маошини бериш учун бирон-бир буйруқ ёки кўрсатма хати лозим бўлади. Агар ушбу буйруқ ёки кўрсатма хатлари берилмаса, ой охирида молия органлари ходимларга маош учун пул ажратадими?

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг маълум қилишича, Президентнинг 2022 йил 21 декабрдаги ҳамда 2023 йил 25 январдаги тегишли фармонлари билан маъмурий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар довомида штат бирликлари қисқартирилган ходимларни иш берувчи томонидан ишга жойлаштириш чораларини кўриши белгиланган.

Ҳозирги кунда штат бирликлари қисқартирилган ходимларга меҳнат шартномасини бекор қилиш юзасидан оғохлантириш хатлари берилган. Меҳнат кодексининг 102-моддаси талабларидан келиб чиқиб, оғохлантириш мuddатларини узайтириш иш берувчининг ҳуқуқи ҳисобланади.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 100-моддаси биринчи қисми 1-бандида оғохлантириш мuddати камида икки ой олдин берилиши кераклиги белгиланган. Шунга кўра иш берувчи томонидан ушбу оғохлантириш мuddатини узайтириш қонуний ҳисобланади.

Бу жараён ходимга оғохлантириш мuddати узайтирилганлиги маълум қилинган хат (хабарнома) тақдим этиш орқали амалга оширилиши тавсия этилади. Белгиланган мuddатларда ишга жойлаша олмаган ходимлар учун оғохлантириш мuddатини узайтирилиши уларга ўзига мақбул иш ўрни топишида имконият яратади.

Амалдаги Меҳнат Кодексининг 92-моддасига кўра, штатлар сони қисқартирилган иш берувчи ходимни ишга жойлаштириш чораларини кўриши шарт. Ушбу талабга риоя этилмаган тақдирда ноқонуний ишдан бўшатиш ҳисобланади.

Агар Меҳнат кодексининг 102-моддасига кўра, барча жараён тўғри бажарилган бўлса, молия органлари маблағни ажратишга мажбур ҳисобланади. Агар икки ташкилот ўртасида низо вужудга келса, суд тартибида ҳал этилиши мумкин.

## Боғчага кимларга имтиёз берилади?



**Болаларнинг қуйидаги контингенти боғчага устунилик билан қабул қилиниш ҳуқуқига эга:**

- ☞ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг болалари;
- ☞ кўп болали оилаларнинг болалари;
- ☞ етим болалар ёки ота-онасининг қаровисиз қолган болалар;
- ☞ «Аёллар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз аёлларнинг болалари;

- ☞ контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг ва ички ишлар органлари ходимларининг болалари;
- ☞ талабалар ва педагогларнинг болалари;
- ☞ акалари ёки опалари ушбу муассасанинг тарбияланувчилари жумласидан бўлган болалар;
- ☞ кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлардан умумий турдаги мактабгача ташкилотларга ўтказилаётган соғайган болалар.

**БИЛИБ ҚҮЙИНГ!**

# Истеъмол кредитида энди чеклов йўқ, аммо...

Шу вақтгача истеъмол кредити фуқароларга Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар, ишлар ва хизматлар сотиб олиш учун берилган. Кредит маблағи сотувчининг ҳисоб-рақамига ўтказилиб, нақд пул кўринишида беришга йўл қўйилмаган.



Кўриниб турибдики, бундай кредит туридан фойдаланмоқчи бўлган фуқаро фақат мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олишга мажбур ва унда танлов имконияти деярли бўлмаган. Натижада бундай чеклов, яъни «имтиёз» тўғрисида айрим монопол корхоналар ўз устида ишлашни, янгилик яратишни, истеъмолчига қулайликлар тақдим этишни унутиб қўйишди. «Олсанг — шу, олмасанг — ана катта кўча» деганидек...

Айниқса, кредит маблағларининг нақд пул шаклида ажратилмаслиги товар нархиға маълум миқдорда устамалар қўйилишига олиб келган. Дейлик, нақд пулга 4 миллион сўмга тушадиган телевизорни истеъмол кредити асосида камида 4,5-4,8 миллион сўмга оласиз. Савол нигоҳи билан сотувчиға боқсангиз, унинг нигоҳида яна ўша жавобни уқасиз: «Олсанг — шу, олмасанг...»

Айтиш керакки, қарийб тўрт ярим йилдан буён «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонуннинг айнан шу бандига — 15-моддасига ўзгартириш киритиш

таклифи берилмоқда. Бироқ ҳар гал масала ортага сурилавверди. Моҳияти монополияни қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи бундай тартибни аллақачон бекор қилиш вақти келган. Ваҳоланки, тижорат банки мижозга кредитни шунчаки текинға бераётгани йўқ, фоизи билан қайтариб олади. Хўш, шундай экан, нега энди одамларға кредит нақд кўринишида берилмаслиги керак? Нега улар ўзи истаган буюмни (қарерда ишлаб чиқарилганидан қатъий назар) харид қилолмайди?

Ва ниҳоят, Президентнинг 2023 йил 10 апрелда тегишли қонун билан «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонунға ўзгартириш киритилди. Унга кўра, истеъмол кредити ҳисобидан харид қилинаётган товарлар ва хизматлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган бўлишиға оид чекловлар олиб ташланди. Эндиликда банкдан истеъмол кредити олар экансиз, бу маблағға исталган мамлакатда ишлаб чиқарилган маъсулотни харид қилишингиз мумкин.

*P/S. Юқорида истеъмол кредити маблағлари фақат пул ўтказиши йўли билан берилиши ҳақида айтиб ўтдик. Истардикки, қонун ижодкорлари бу масалаға яна бир қайтиб, мазкур кредитни нақд шаклда (ҳеч бўлмаса, маълум қисмини) бериш имкониятини ҳам кўриб чиқишса, мақсадаға мувофиқ бўларди. Акс ҳолда, фуқаро истеъмол кредити эвазига ўзи истаган нархға маҳсулот олиши қийинлашиб қолаверади...*

Санжар ИСМАТОВ.

# Жазо қатъий бўлмаса, фирибгарлар камаймайди



Сўнги йилларда фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар кўрсаткичи ортиб бормоқда. Энг ёмони, фирибгарлик ҳар қандай соҳада, ҳар ким томонидан содир этилиши мумкин. Шуниси борки, ҳар қандай фирибгар ўзининг барча иқтисодий ҳолатларини яхшилаб олгани тўғрисида бамайхотир бўлади. Берилган муддат ўтганидан кейин бемалол яшириб қўйган бойлиги билан шохона яшаш мумкинлигини билади.

Бундай ҳолат авж олаётганининг асосий сабабларидан бири — уларға қўлланилаётган жазо чорасининг энгиллигидадир. Миллиардлаб зарарнинг бир тийинини ҳам қопламаган ашаддий фирибгар тайинланган муддатнинг бор-йўғи учдан бирини ўтаб, озодликка чиқиши мумкинлиги ёки узоғи билан 10 йил муддатға қамалишини яхши билишади. Чунки Жиноят кодексининг 168-моддасига кўра, шахс ҳар қанча катта суммада фирибгарлик қилса ҳам унга озодликдан маҳрум қилиш жазосини 10 йилдан ортиқ муддатға бериш мумкин эмас. Кодекснинг 73-моддасида «жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш» деган банд борки, бу шундоқ ҳам энгилроқ жазо олган шахсларни маълум муддат ўтиб жазодан бирайта озод қилиб юборади.

Яъни, агар фирибгар 8 йиллик жазо олган бўлса, у 4 йилдан кейин жазодан озод

этилиши мумкин. Ёки кимнидир 50 млн. сўмға «тушириб» кетган фирибгарға 3 йил берилса, у 73-моддадан фойдаланиб, ордан 1 йил ўтиб, «очик»ка чиқиши мумкин. Шунингдек, кодекснинг 74-моддасида «жазони энгилроғи билан алмаштириш» деган қоида ҳам бор. Масалан, фирибгарлик учун 8 йил олган шахс жазонинг учдан бирини, яъни 2 йилу 8 ойини ўтаб бўлганидан сўнг, энгилроқ жазо билан озодликка чиқиши мумкин бўлади.

Энг кизиғи, Жиноят кодексининг 167-, 168-, 184-моддаларига кўра, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, шахсға нисбатан озодликка чеклаш ёки қамок жазоси қўлланилмайди.

Демак, жазо кучайтирилмас экан, фирибгарликнинг илдишига болта уриб қилинмаслиги кундек равшан. Энг ёмони, фирибгарликни касб қилиб олиш ва онгли равишда у орқали моддий бойлик орттиришни мақсад қилиб, жиноятға қасддан қўл уриш ва бу жиноятни такрор содир қилиш ҳолатлари кўп учрамоқда.

Эндиликда Жиноят кодексига киритилаётган ўзгартиришға кўра, фирибгарликда айбдор деб топилган шахслар жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинмайди ва жазо энгилроғи билан алмаштирилмайди. Мазкур қонун Сенат томонидан тасдиқланди ва Президент имзолагач, кучға қиради.

*P/S. Бизнингча, фирибгарлар етказилган зарарни қоплаган тақдирда, озодликни чеклаш ёки қамок жазоси қўлланилмаслигиға оид нормани ҳам ўзгартириш вақти келди. Зеро, одамларнинг, давлатнинг миллиардлаб пулларини ўйроғланлар фақат жарима билан қўтилиб кетмаслиги керак. Фирибгарлар жазодан қўрқмас экан, ўз ишида давом этаверади.*

Санжар ИБРОҲИМОВ.

# Нега масъуллар эмас, маҳалла раиси жазоланади?



Маҳалла тизими ислоҳ қилиниб, соҳа ходимларига эътибор ортгани бор гап. Аммо айрим вазиятларда маҳалла ходими ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамон чекланмоқда. Худудда бирор кўнгилсизлик бўлса, айбдор раислар бўлиб қолмоқда.

Яқинда Қарши туманидаги «Боғобод» маҳалласига қарашли худудда чиқиндилар тўпланиб ётгани буйича фуқаро мурожаати Табиат ресурслари вазирлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси ходимлари томонидан ўрганилди.

Ўрганиш натижасига кўра, худуд чиқиндилардан тозаланган. Бу яхши, албатта. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, вазият учун бефарқ бўлган, деган сабаб билан «Боғобод» маҳалласи раиси Иззатилла Эшонқуловға нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексға асосан, баённома расмийлаштирилиб, 1 миллион 500 минг сўм жарима қўлланилган.

Маҳалла раисининг эътиро-

зига кўра, худуд майдони жуда катта бўлиб, аҳоли сони 15 минг нафарни ташкил этади. Бу, албатта, қийинчилик туғдиради. Юқоридаги ҳолатда чиқиндиларни олиб чиқиш кетишға «Тоza худуд» корхонаси масъул хисобланса-да, охирида барибир раис жазоланган. «Тоza худуд» ташкилоти ходимлари маҳалла чиқиндиларини олиб кетиш учун 1 ойида 2 мартаба келишаркан.

— Шунда ҳам фақат намунавий уйларға хизмат қилади, — дейди И.Эшонқулов. — Бироқ мурожаатни ўрганган мутахассислар негадир мени жаримаға тортишди. Аввалроқ эса, маҳаллаимизда вақтинча яшаётган оиланинг фарзандини кучук ташлаб олгани учун ҳам жарима белгиланганди. Маҳаллада

нечта ит, мушук борлиги ҳақида маълумот бермаган, деган вазж кўрсатишди.

Ҳолат билан танишиб чиққач, бир қанча саволлар туғилди. Аслида чиқиндиларни тозалаш ва уни олиб чиқиш кетишға «Тоza худуд» корхонаси масъул хисобланса, нега маҳалла раисига жарима қўлланди? Бу муаммоға жавобгар сифатида Табиат ресурслари вазирлиги таркибидеги «Тоza худуд» корхонаси саволға тўтилиши керак эмасми?

Зеро, Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низомада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш соҳасидаги мақсад ва ваколатлар белгиланган. Унга кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига атроф-муҳитни муҳофаза қи-

лишға кўмаклашади, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, тегишли худудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария жиҳатдан тозалаш тўғрисида қарорлар қабул қилади, шу жумладан, жамоатчилик ёрдими (хашарни) уюштиради, кўриклар ва танловлар ўтказиши. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, худуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли худудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиши ҳамда уларнинг натижалари буйича қарорлар қабул қилиши белгиланган.

Хайрулло АБДУРАҲМОҶОНОВ.

# «Келинг-келинг фоизсиз кредит берамиз...»

Замон ривожлангани, технологиялар такомиллашгани сайин фирибгарлар ҳам кўпайиб борапти. Бир ёқдан «сизға катта мерос қолган уни, олиш учун карта рақамингизни юборинг» дея хабар келса, бошқа томондан «сиз катта миқдорда пул ютиб олдингиз. Ютуқини олиш учун шахсий маълумотларингизни юборинг» деган хабарларни учратиш мумкин.

Эндиликда фирибгарлар юртимиздаги нуфузли банк номларидан фойдаланиб, фоизсиз кредит беришни ваъда қилиб, одамларни чув туширмоқда. Қаерға қараманг, шу йўсиндаги рекламалар. Бир қарашда уларнинг сохта иловалар эканини билиш қийин. Шунинг учун кўплаб юртдошларимиз фирибгарларнинг тузоғига тушиб қолмоқда. Бундай рекламаларға бир кириб қолсангиз бўлди, тинмай ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларингизда чиқаверади. Шу каби рекламалар «Anorbank», «Irak yo'li banki» номлари остида ижтимоий тармоқларда айланмоқда. Бу эса одамларнинг «ўзимизнинг банклар экан-ку», дея фирибгарлар тузоғига илинишиға сабаб бўляпти. Хўш, шу каби фирибгарликларнинг олдини олиш учун қандай ишлар амалға оширилмоқда?

— Аҳолини огоҳлантириш ва фирибгарлар тузоғига тушиб қолмаслиги учун ижтимоий тармоқларда тарқалаётган хабарлар ёлғон экани ҳақида маълумотлар эълон қилиб бормоқдамиз, — дейди Ички ишлар вазирлиги Кибархавфсизлик маркази масъул ходими Лочинбек Атоев. — Қолаверса, бундай жиноятларни

амалға оширган фирибгарларға нисбатан Жиноят кодексининг 168-169 моддаларига асосан, жиноятлар малакалаштирилиб, фирибгарлар жиноий жавобгарликка тортилади. Шу ўринда аҳолидан тасдиқланмаган ҳар хил ёлғон ахвалроқларға ишониб фирибгарлар тузоғига тушиб қолмасликларини сўраб қолар эдик.


Айтиш керакки, Кибархавфсизлик маркази томонидан юқоридаги каби бир қанча фирибгарликлар аниқланиб, жиноятлар фож этилган. Мисол учун, яқинда Қашқадарё вилоятида яшовчи 26 ёшли фуқаро М.Ф. «Телеграм» мессенжериде «Pul ishlash - Mir Cash» каналига аъзо бўлган ва ушбу профил админи унинг пулини қисқа вақтда 2 баробар кўпайтириб беришди ваъда қилиб, 400 000 сўм маблағни фирибгарлик йўли билан ўзлаштириб олади. Утказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида ушбу жиноятни Самарқанд вилояти Пайарик туманида яшовчи 20 ёшли Х.Р. содир этгани аниқланди. Унга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди, бу моддада 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Кизиғи, номлари келтирилган «Anorbank», «Irak yo'li banki» ходимлари билан боғланганимизда, ушбу рекламалар банк томонидан тарқатилмаётганини таъкидлашди, шу каби фирибгарликларнинг олдини олиш буйича қандай ишлар олиб борилаётгани ҳақида индашмади. Марказий банк эса бундай хабарларға алоқаси йўқлиги, фуқаролардан ушбу хабарларға эътибор бермаслик ва ҳеч қандай ҳаволага кирмаслик, фақат расмий манбаларға таяниш кераклигини таъкидлади.

Албатта, одамлар орасида фирибгарлар тузоғига тушмаслик ҳақида Марказий банк томонидан тарғибот ишлари олиб борилаётгандир. Аммо бу каби ҳолатлар ошса-ошяптики, зинҳор қамаймаёпти. Ахир шу каби рекламаларни тарқатаётганларни бутунлай блоклаб ташлаш, ижтимоий тармоқларда айланишининг олдини олиш мумкин-ку? Нега мутасадди ташкилотлар одамларнинг миллионлаб пулларидан айрилиб қолишиға жиддий қарашмаяпти?

Бу буйича Марказий банк мутасаддиларидан жавоб кутиб қоламиз.

М.НУРАЛИЕВ.



# ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

WWW.UZMAHALLA.UZ

## Ўзбекистонда пенсия ёши ўзгарадими?

ЖАРАЁН

МЕНДА САВОЛ БОР



Жаҳон банки Ўзбекистонга узоқ муддатли истиқболда пенсия ёшини оширишни тавсия қилди. Бу борадаги тавсия ҳукумат сўрови билан тайёрланган ҳисоботдан ўрин олган. Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда ёшга доир пенсия олувчилар сони 3 миллиондан ошди.

Жаҳон банкининг ҳисоботида қайд этилишича, Ўзбекистондаги демографик ўзгаришлар ва қариялар сонининг кўпайиши пенсия тизимига босим кўрсатмоқда. Бу эса соҳани ислоҳ қилишни тақозо этмоқда.

«Ўзбекистонда пенсия ёши аёллар учун 55, эркеклар учун 60 ёш бўлган собиқ иттифоқ мамлакатлари ичидаги ягона давлат ҳисобланади. 1990 йиллардаги ўтиш даври ислохотлари вақтида кўплаб мамлакатлар пенсия ёшини 2-3 йилга оширди. 2000-йилларнинг иккинчи ўн йиллигида пенсия ёши бўйича ислохотларнинг (Украина, Беларус, Россия) иккинчи тўлиқни бошланди. Бунда аёллар ва эркеклар пенсия ёшини босқичма-босқич тенглаштиришга алоҳида эътибор қаратилди (Озар-

байжон, Арманистон, Молдова, Литва ва Қозғистон). Эстония, Латвия, Литва ва Озарбайжонда пенсия ёши аёллар ва эркеклар учун 65 ёшга кўтарилди», дейилади ҳисоботда.

Жаҳон банки экспертлари фикрига кўра, Ўзбекистонда 2025 йилдан бошлаб пенсия ёшини босқичма-босқич 65 ёшга оширишни назарда тутувчи 2021-2030 йилларга мўлжалланган Миллий ижтимоий ҳимоя стратегияси доирасида қарор қабул қилиш энг яхши вариант бўлади. Ишчи кучининг демографик ўсиш салоҳияти тугагунга қадар (2040 йилларнинг ўрталарида) буни амалга ошириш учун мамлакатда вақт бўлиши жуда муҳим, чунки бу миллий рақобатбардошлик масаласидир.

Пенсия жамғармаси ҳо-

зирада бу бўйича ҳеч қандай таклиф ё лойиҳа кўриб чиқилмаётганини, шунингдек, бу масала кун тартибда эмаслигини маълум қилди.

Фикримизча, ушбу масалани ҳал этишда қатор ижтимоий, демографик ва иқтисодий омилларни инобатга олиш лозим. Зеро, пенсионерларнинг ишга жойлашиши осон эмас, кекса организм хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, улар ҳамма ерда ишни давом эттира олмайди. Тегишнча, меҳнат маҳсулдорлиги пасаяди. Иш берувчилар эса ёш мутахассисларни афзал кўриб, анча қатъий ёш чегарасини белгилайди. Бунинг устига, пенсияга кечроқ чиққан кўпчилик кишилар саломатликлари ёмонлашгани боис нормал ҳаёт кечира олмайди. Энг

ёмони – ҳамма ҳам пенсия ёшига ета олмаслигида.

Шу боис янги ёш даражасини белгилашда фуқароларнинг ўртача яшаш муддатини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Президент ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотига кўра, 2022 йилда ўртача умр кўриш ёши 73,8 ёшни: эркеклар учун – 71,7 ёш, аёллар учун – 75,8 ёшни ташкил этди. Қолаверса, фуқароларнинг ижтимоий суғурта тизимида иштирок этишини рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш зарур. Мисол учун, янги тартиб асосида имтиёзли ҳуқуққа эга бўлса-да, умумий белгиланган ёшда пенсияга чиққанларга маълум устамалар тўлиниши лозим.

Иброҳим ПўЛАТОВ.

## Маошингиз кўп бўлса, пенсиянгиз кам бўлмайди

2023 йил 1 январдан бошлаб, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори, яъни юқори чегараси пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилди. Айтиш керакки, бу ўзгариш кўпчиликда ҳақли саволларни туғдирди: пенсиялар қайта ҳисобланадими? Уларнинг миқдори ошадими? Қимларга қўшимча пенсия тўланади?

Замира ШУКУРОВА. Қашқадарё вилояти.



Фаррух ПАРДАЕВ, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқарма бошлиғи:

– Қайд этиш керакки, 2022 йилда барча пенсия ва нафақалар миқдори 12 фоизга оширилди. Бундан ташқари, пенсия ва нафақаларнинг энг кам миқдори минимал истеъмол харажатлари миқдорига (500 000 сўм) етказилди (жами 14 фоизга оширилди). Ногиронлик пенсия ва нафақаларининг энг кам миқдори эса 698 000 минг сўм етди (жами 1,6 бараварга оширилди). Шунингдек, пенсияни банк карталари орқали олувчилар учун 1 фоиз миқдорда қўшимча тўлов жорий қилинди.

Юқоридагиларнинг мантйқий давоми сифатида жорий йил бошидан пенсия ҳисоблаш базавий миқдори (ПХБМ – 1 апрелдан 347 000 сўм) ўн икки баробарга етказилди. Бу нима дегани? Содда қилиб тушунтирганда, 1 млн. сўм ойлик олиб, пенсияга чиққан ва 2-3 млн. сўм ойлик билан пенсияга чиққан инсоннинг пенсиясида фарқ мавжуд. Яъни кўпроқ

ойлик олганларнинг пенсияси ҳам кўпроқ бўлади (иш стажига фарқ бўлганда пенсия миқдори ўзгариши мумкин).

Бироқ пенсияни ҳисоблашда инобатга олинмаган иш ҳақининг юқори чегараси (ПХБМнинг 10 қарраси – 3 470 000 сўм) мавжудлиги сабабли 2023 йилгача 3,2 млн. сўм ва 4-5 млн. сўм ойлик билан пенсияга чиққанларнинг пенсиясида фарқ бўлмаган (иш стажига бир хил бўлганда). Бунда 15 миллион сўм ойлик олиб, кўпроқ солиқ тўлаган фуқаро билан бир хилда пенсия олган. 2023 йил 1 январдан шу чегара оширилди. Чунки кўпроқ ойлик олганлар давлатга кўпроқ солиқ тўлаган, табиийки, улар кўпроқ пенсия олиши мантиқан ва адолатли бўлади.

Ҳозирда ушбу чегара ПХБМнинг 12 қарраси – 4 164 000 сўмга етказилди. Мисол учун, 4 500 000 сўм ўртача ойлик иш ҳақига эга бўлган фуқаронинг пенсия миқдори 2023 йил 1 январга қадар 3 470 000 сўмдан ҳисоб-китоб қилинган бўлса, 2023 йил 1 январдан бошлаб, ушбу фуқаронинг пенсия миқдори 4 164 000 сўмдан қайта ҳисоб-китоб қилинади. Натигада ойлик иш ҳақи 3,2 млн. сўмдан юқори бўлиб, пенсия ҳисоблашда инобатга олинмаган 371 минг нафар фуқаронинг пенсияси қайта ҳисобланиб, уларнинг пенсияси ўртача 400 минг сўмдан зиёдрокқа ошди.

## Ишсизлик нафақаси миқдори қанча?

МЕЗОН



– Ишсизлик нафақасининг тўлаш муддати ва миқдори ҳақида маълумот берсангиз. Бунинг учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

Умида НИШОНОВА, Фарғона вилояти.

Дилмурод РАЖАБОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими:

– Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги қонунига кўра, ишсизлик нафақаси 12 ойлик давр ичида кўпи билан 26 ҳафта давомда тўланади. Ишсизлик нафақаси миқдори мазкур қонунга асосан белгиланади.

Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) сўнгги 12 ойлик давр ичида маҳрум бўлган шахсларга – аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорда, лекин меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МХЭКМ – 920 минг сўм)дан оз бўлмаган миқдорда пул берилди.

Ўз навбатида ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ҳамда узоқ (1 йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга – МХЭКМнинг 1 баравари, илгари ишлаган, биринчи марта иш қидираётган шахсларга эса, МХЭКМнинг камида 75 фоизи миқдорда ишсизлик нафақаси белгиланади.

Иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олиш учун қишлоқ жойларда – маҳаллий меҳнат органининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор ҳудудига, иш қидираётган шахснинг яшаш жойида-

ги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудига бириктирилган ходими томонидан амалга оширилади.

Агар иш қидираётган шахс маҳаллий меҳнат органи жойлашган аҳоли пункти ҳудудига яшаётган бўлса – бу иш ишсиз шахсларни ҳисобга олиш, ишга жойлаштириш ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш сектори ходими томонидан бажарилади.

Иш қидираётган шахслар маҳаллий меҳнат органи ходимига паспортини ёки идентификацияловчи ID-картасини ёхуд шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни, меҳнат дафтарчасини ёки меҳнат стажини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни, бундан биринчи марта иш қидираётган шахслар мустасно, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг аслини ёки унинг кўчирма нусхасини (маълумот мавжуд бўлган тақдирда) тақдим этиши лозим.

Шунингдек, касби ёки касбий малакаси мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатни ёки унинг кўчирма нусхасини (касби ёки касбий малакаси мавжуд бўлган тақдирда), иш жойидан охириги ўн икки ой учун иш ҳақи (меҳнат даромади, пул таъминоти) тўғрисидаги маълумотнома(илгари ишлаган шахслар, шу жумладан жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар учун)ни ҳам тақдим этиш талаб қилинади.

## Поездда адашиб қолсангиз...

АГАРДА...

Йўловчи чиптасида кўрсатилган йўналишдан бошқа нотўғри йўналиш поездига адашиб чиққанда поездинг энг яқин станцияда тарк этиши керак.

Бу ҳолатда, йўловчи ташиш поезде бригадирини ёки асосий станциясига йўловчини бепул қайтиш ҳуқуқини берувчи далолатнома тузади.

Бунда бошқа нотўғри йўналиш поездига адашиб чиққан йўловчидан жарима ундирилмайди.

ҲУҚУҚ

## Ёшлар қандай имтиёзларга эга?



– Менинг фарзандим ҳам «Ёшлар дафтари»га рўйхатга олинган. Қонунчиликда қандай имтиёзлар яратилган?

З.РАЖАББОВА, Хоразм вилояти.

Сирожиқдин ТОҲИРЖОНОВ, Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати ходими:

– «Меҳнат кодекси»да ёшлар учун алоҳида кафолатлар белги-ланган, жумладан 16 дан 18 ёшгача бўлганлар учун иш вақти ҳафтасига 36 соатдан ошмаслиги лозим.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва контракт бўйича ўқиётган ижтимоий фаол талабаларга контракт суммасининг 35 фоизи тўлаб берилди. Контракт асосида ўқиётган талабаларга таълим кредити берилди.

«Ёшлар дафтари»га рўйхатга киритилганларнинг ногирон оила аъзоларига дори-дармон, ногиронлик аравачалари, эшитиш аппаратлари ва ортопедик маҳсулотлар харид

қилиш учун БХМнинг 5 баравари миқдорда ёрдам кўрсатилади. Ногиронлиги бўлган ёшларга ўқиш, яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун 15 млн. сўмгача субсидия ажратилади.

Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга киришда энг юқори балл тўлаган 200 нафар ёшлар учун Президент гранти жорий қилинган. Ижтимоий фаол ёшларга ОТМга ўқишга киришда имтиёзлар берилди. Маҳалладаги ёшлар етакчилари тавсияси асосида ёшларга 20 турдаги ёрдам кўрсатилади.

Жумладан, БХМнинг 4 баробори миқдорда бир марталик ёрдам бериш, бемор ёшларни даволаш (БХМнинг 50 баробари миқдорда), шартномага асосан психологик хизмат кўрсатиш, ёш оилаларга

қўшимча уй-жой қуриш учун кредит ажратиш, хайдовчилик курси учун БХМнинг 4 баробари миқдорда маблағ бериш, сафарбарлик қақирув резерви хизмати бадали, талабаларнинг тўлов-контракти учун 15 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам назарда тутилган.

Шунингдек, фуқарлик (биометрик) паспорти олиш бадали, мактаб формаси ҳамда ўқув куроллари учун харажатлар, туризм объектиларига саёҳатлари учун меҳмонхона ва йўл харажатлари қоплаб берилди.

Айрим ёшлар ОТМга ўқишга қабул қилишда тест синовларида иштирок этиш учун ундирилмаган тўловлардан озод этилади. «Мо-зийга саёҳат» дастури доирасида «Ёшлар дафтари»дагилар давлат музейларига бепул киритилади.

ТАКЛИФ

# Иш берувчига имтиёз берилса...

## Талабалар сарсон бўлмай иш топади



**Кун кеча Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасалари талабаларини мутахассислиги бўйича ишлашига имконият яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси муҳокамалар порталига жойлаштирилди.**

Унга кўра, мазкур қарор қабул қилинса, олий таълим муассасалари талабаларини иккинчи курсдан (айрим таълим йўналишларида иккинчи курсдан кейинги курслардан) бошлаб, олий таълим муассасаси раҳбари томонидан берилган сертификат асосида мутахассислиги бўйича ўқишдан бўш вақтида ишлашига рухсат этилади.

Ҳақ тўланадиган ишлаб чиқариш амалиёти ва ҳақ тўланадиган стажировка ўтаётган талабаларни ишга қабул қилишда сертификат талаб қилинмайди.

Талабаларни сертификат асосида мутахассислиги бўйича ишлашига фақат олий таълим муассасасида ўқиётган даврида рухсат этилади.

Шунингдек, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига икки ой муддатда талабаларга мутахассислиги бўйича ишлаш ҳуқуқини берувчи сертификат бериш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифалари юкланади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги олий таълим муассасалари талабаларини

ўқиш даврида мутахассислиги бўйича ишлашига инobatта олиб, 2024 йилга қадар Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификаторини ҳамда малака даражаларига эришиш схемасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш чораларини кўриши таклиф этилмоқда.

Бу — зўр янгилик. Қарор амалга татбиқ этилиши натижа-сида янги иш ўринлари яратишга эҳтиёж пайдо бўлиши табиий. Шу боис, янги тартибни самарали ишлаши ва ижобий натижа бериши учун қуйидаги таклифни билдиришни лозим топдик.

Талабаларни иккинчи курсдан бошлаб ишлаши учун уларни иш билан таъминлайдиган иш берувчиларга турли имтиёзлар тақдим этилиши янги иш ўринлари пайдо бўлишига хизмат қилади. Масалан, 2-курс битирувчисини ишга қабул қилган корхона ва ташкилотлар, хусусий секторларга солиқ имтиёзлари, субсидиялар бериш йўлига қўйилса, натижа янада самарали бўлади.

Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ.

МИГРАЦИЯ

## «Америка орзуси» оиланинг қайғусига айланмасин

Бугун меҳнат миграцияси соҳасида Америкага Мексика орқали бориш ва ишлаш катта муаммага, миллий оғриққа айланиб бормоқда. «Америка орзуси»да йўлга чиққан юртдошларимиз Мексикада дуч келаётган муаммолар ҳар кун, кунора келиб турибди. Аммо негадир бу бошқаларга сабоқ бўлмайпти. Нафақат ўзларини, ҳатто оила аъзолари, фарзандлари тақдирини ҳам хавф остига қўйишмоқда.



Статистик маълумотларга кўра, бугун ўзбекларнинг катта қисми Америкада ишлаш, яшаш иштиёқида. Шундай экан, табиий савол туғилади. Хўш, АҚШга боришнинг қонуний йўллари борми? Бу саволимизга Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги мутахассиси Ортиқхўжа Норовдан маълумот олдик.

— Америкага қонуний иммиграция ёки вақтинча келиб ўқиш, ишлашнинг бир неча турлари бор. Биринчиси ҳамма маълум бўлган Грин-карта ўйнаш. Айтиш керакки, бу оилавий АҚШга келиш ва ишлаш учун энг яхши вариант. Лекин, афсуски, ҳар йили ажратиладиган ўринлар чекланган бўлади. Ҳали бўлиб, АҚШга келгач, беш йил яшаганингиздан кейин, ҳатто фуқаролик

олишингиз ҳам мумкин. Грин-картага ариза топширишнинг ҳеч қандай мажбурий шартлари йўқ. Инглиз тилини билишингиз ҳам шарт эмас.

«Америка орзуси»ни ушлатирувчи иккинчи йўл — талабалик визаси ҳисобланади. Бу визага эга бўлиш учун АҚШдаги тил курси ёки олий ўқув юртига қабул қилинган бўлишингиз керак. Талабалик визасини олиш учун сизнинг грант ютганингиз ёки ўз ҳисобингиздан ўқимоқчи эканлигиз муҳим ҳисобланади.

Лекин битта шarti бор. Яъни сиз ўқишга қабул қилинган бўлсангиз ҳам элчихона ходимларини ўқишга кетаётганингизга, сўнг яна Ўзбекистонга қайтишингизга ишонтира олмасангиз рад этилиши мумкин. Ростдан ҳам

ўқишга кетаётган бўлсангиз, ўқиш харажатлари ким томонидан ва қандай қилиб қопланиши билан қизиқишад. Ўз ҳисобингиздан ўқимоқчи бўлсангиз, банк ҳисоб-рақамлари ҳақидаги маълумот сўралади.

Ўз навбатида нима учун АҚШ ўзбекистонликларга виза бериш тартибини қийинлаштириб ташлади, деган савол пайдо бўлади. Бунинг сабаби — сайёҳлик ёки талабалик визаси олиб борганларнинг кўпи виза олганидан сўнг муддати тугаганига қарамадан ноқонуний равишда қолиб кетмоқда. Шу учун виза олиш имкониятлари қийинлашиб бормоқда.

Хайрулла ФАЙЗ.

БУ — МУҲИМ

## Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшлар иттифоқидан қандай фарқи бор?



YOSHLAR ISHLARI  
AGENTLIGI

— Мамлакатимизда ёшлар тақдирига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилади. Бунда бир қатор ташкилот ва корхоналар масъул экани маълум. Жумладан, ёшлар билан ишлашда Ёшлар ишлари агентлиги ва Ёшлар иттифоқи алоҳида ажраб туради. Аммо кўпчилик бу икки ташкилотни қандай фарқи борлиги, вазифалари нимадан иборатлигини билмаслиги ҳам бор гап. Ҳар икки ташкилот бир-бирдан қандай фарқ қилади?

Абдушукр НОСИРОВ, Хоразм вилояти Хонқа тумани.

НОДИР АБДУҚОДИРОВ,  
Ёшлар ишлари агентлиги  
ахборот хизмати раҳбари:

— Энг муҳим ва асосий фарқи — ҳар икки ташкилот алоҳида ва бир-бирига боғлиқ эмас. Ёшлар ишлари агентлиги давлат органи бўлиб, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузурида фаолият олиб боради. Ёшлар иттифоқи эса нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланади. Ҳар иккиси ўз низомига эга.

Низомга кўра, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи жисмонан бошлом, маънан етук ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодини шакллантириш, ёшларни ташкилотнинг зарарли таъсиридан

муҳофаза қилиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш ва шарт-шароитларни яратиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан иттифоқ ташкилий-ҳуқуқий шаклида тузилган. Ўзбекистон ёшларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Ёшлар ишлари агентлиги эса юқорида таъкидлаганимдек, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги ташкилот. Агентлик ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширувчи давлат бошқарув органи.

МЕНДА САВОЛ БОР...



## Уй сотишдан олинган даромаддан солиқ тўланадими?

— Ипотека кредити асосида уй сотиб олмақчи эдим. Шу мақсадда пойтахтимизнинг Сергели туманида қурилган янги тураржойлардан хонадон топдим. Уй эгаси билан 400 миллион сўм нарха келишдик, унга ишонч учун бўнак (аванс) ҳам бердим. Бироқ кредит учун керакли ҳужжатларни банкка тақдим этганимизда, сотувчи 12 фоиз даромад солиғини тўлашни зарурлигини айтишди. Ҳисоб-китобларга кўра, бу сумма 24 миллион (!) сўмни ташкил этар экан. Ўз-ўзидан хонадон эгаси солиқни тўламоқчи эмас, агар уйни олмақчи бўлсам, даромад солиғини ҳам мен тўлашим кераклигини билдирди. Мени қизиқтираётган жиҳат шуки, фуқаролар қандай ҳолатда ўз кўчмас мулкни сотишдан олинган даромаддан солиқ тўлайди?

Нуриддин ШАРИПОВ. Тошкент шаҳри.

ШУҲРАТ ИСМОИЛОВ,  
Давлат солиқ қўмитаси  
бошқарма бошлиғи:

— Солиқ кодексининг 378-моддасига кўра, жисмоний шахсларнинг нотурар жойлар, 36 календар ойдан кам муддатда бўлган тураржойларни сотишдан олинган даромадига жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи ҳисобланади. Ҳозирда даромад солиғи ставкаси — 12 фоизни ташкил этади.

Тураржой жисмоний шахснинг мулкига, хусусан, мерос ёки ҳадя тартибда ёхуд олди-сотди шартнома асосида ўтганидан қатъи назар 3 йил ичида сотилса, даромад солиғи тўлаши лозим. Жисмоний шахснинг мулкига 3 йилдан

кўп муддатда бўлган тураржойларни сотишдан олинган даромадларига солиқ солинмайди ва уч йиллик муддат солиқ тўловчининг мулкига бўлган ҳар бир объекти бўйича алоҳида ҳисобланади. 3 йилдан кам муддатда тураржойни сотишдан олган даромадлар тўғрисида фуқаролар доимий яшаш жойидаги солиқ органига ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1-апрелидан кечиктирмай, жами даромадлари тўғрисида декларация тақдим этиши ва даромад солиғи суммасини 1-июнга қадар тўлаши лозим.

«My.soliq.uz» сайтдан жами даромадлар тўғрисидаги декларацияни электрон шаклда тақдим этиш имконияти яратилган.

Шунингдек, жисмоний шахснинг

мол-мулкни сотишдан олинган даромадлари мазкур мол-мулкни ҳужжатлар бўйича сотиб олиш ва сотиш қиймати ўртасидаги ошган қисми сифатида аниқланади. Мисол учун, тураржой 300 миллион сўмга сотиб олиниб, сўнг 400 миллион сўмга сотилаётган бўлса, даромад солиғи 100 миллион сўм учун ҳисобланади. Кўчмас мулкни олиш қиймати тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, кадастр қиймати билан сотиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ даромад, деб эътироф этилади.

Юқоридагилардан кўринадики, сиз харид қилмоқчи бўлган тураржойга хонадон эгаси 3 йилдан камроқ вақт эгалик қилган. Бу ўринда банк қўйган талаб қонунга мос келади.



ХИДОЯТ ЁҒДУСИ

МУЛОҲАЗА

# Лайлатул Қадр кечасини қайси кунда топамиз?

Лайлатул Қадрга етишиш ва унда берилajak ажр-мукофотлардан бахраманд бўлиш — ҳар бир мусулмоннинг орзуси. «Албатта, Биз у (Қуръон)ни Қадр кечасида тушурдик. Қадр кечаси қандоқ нарса эканини сенга нима билдирур? Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир. Унда фаришталар ва Руҳ Роббилари изни ила барча шй билан тушурулар. У то тонггача салом (тинчлик) бўлиб турур», деган (Қадр сураси 1-5 оятлар).

Лайлатул Қадр — «белгилаш кечаси», яъни йил давомида қилинадиган турли амаллар, топиладиган ризк, бир сўз билан айтганда, тақдирлар белгиланадиган кечадир. Юқоридаги сураи кариманинг номи ҳам биринчи оятдаги «Қадр» калимасидан олинган, тўғрироғи, «Лайлатул Қадр»дан олинган. Бу муборак кеча икки хил маънода «қадр» деб аталади. Биринчиси, қадр, яъни қадри улуг, иккинчиси қадр, яъни бандаларнинг қадарини белгилашдир. Чунки Лайлатул Қадр кечаси қадри улуг кечадир. Лайлатул Қадр кечасида бандаларнинг бир йиллик қадарлари тақдирлари белгиланади. Худди шу кечада Қуръони карим нозил этила бошлаган. Бу байрамда қалбни поклаш, виждонни сайқаллаш имкони бор. Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш учун ҳам бу кечада бедор бўлиб, ухламасдан ибодат қилинади. Дастлаб Қадр Рамазон ойининг нечанчи кечаси экани Аллоҳ ва Расули томонидан сир тугилган эди. Лекин саҳобалар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Қадр кечасини аниқлаб айтиб беришларини қайта-қайта сурашгач, у зот аввал ойнинг учинчи ўн кунлигидан, кейинроқ ойнинг охириг етти кечасидан, сўнгра ойнинг охириг ўн кунлигининг тоқ кечаларидан излаш кераклиги ҳақида айтганлар ва ҳоказо. Шунга кўра, манбаларда бу борада келган маълумотлар турличадир. Демак, Қадр кечасини қуйидаги вақтлардан топиш мумкин экан:

**Йил давомида.** Баъзи улуг зотлар одамлар йилнинг маълум бир кечасига суяниб, фақатгина ўша тунни ғанимат билиб, уни ибодат билан бедор ўтказиб, қолган кечаларга бепарво бўлиб юрмасинлар деган мақсадда бу муборак кечани топмоқчи бўлган киши йил давомида излаши керак, дейишган. Табиийки, бу жуда машаққатли бўлиб, унга ҳамма ҳам

қодир бўлолмайд.

**Рамазон ойдан.** Йил давомида Қадр кечасини излаш имконияти йўқ кишилар қандай йўл тутишлари керак? Улар мазкур кечани Рамазон ойдан қидирадилар. Демак, мазкур кечани топиш янада қўлайлашди, йилдан ойга қисқарди.

**Рамазон ойининг охириг даҳасидан.** Бу муборак кечани Рамазон ойи давомида топиш кўпчиликка оғирлик қилди, дейлик. Энди улар Рамазон ойининг охириг ўн кунлигидан қидиришлари керак. Зеро, Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазоннинг охириг ўн кунлигидан эътикоф ўтирар ва: «Лайлатул Қадрни Рамазоннинг охириг ўнлигидан изланглар» дер эдилар» (Муттафақун алайҳ). Бу, Лайлатул Қадрни топиш ойдан ўн кечага қисқарди, деганидир.

**Рамазон ойининг охириг етти кечасидан.** Лайлатул Қадрни Рамазоннинг охириг даҳасидан топишга ҳам тоқати етмаганлар уни охириг етти кечадан қидиришлари мумкин. Зеро, Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинишича, саҳобалардан баъзилари тушларида Лайлатул қадрни охириг етти (кеча)да эканини кўришди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сизларнинг тушингиз охириг етти кечага мувофиқ келаётганини кўряпман. Ким у (кеча)ни изламоқчи бўлса, охириг етти (кеча)да қидирсин» (Муттафақун алайҳ). Демак, Лайлатул Қадрни излаш ўн кечадан етти кечага қисқарди.

**Рамазон ойининг охириг ўн кечасининг тоқларидан.** Бу Лайлатул Қадрни Рамазоннинг охириг етти кечасидан излашга ожиз кишилар учун йўлдир. Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Лайлатул Қадрни Рамазоннинг

охириг ўн кечасининг тоқ (кеча)ларидан изланглар» (Икки Шайх ва Термизий ривояти). Демак, Қадр кечасини топиш еттидан беш кечага қисқарди.

**Рамазон ойининг йигирма биринчи, йигирма учинчи ва йигирма бешинчи кечаларидан.** Бу юқоридаги беш кечага тоқати етмаганлар учун қўлай фурсатдир. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Лайлатул Қадрни Рамазондан охириг ўн (кечаси)да изланглар: тўққиз кеча қолганда, етти кеча қолганда, беш кеча қолганда» (Имом Бухорий ривояти). Демак, Лайлатул Қадрни топиш беш кечадан уч кечага қисқарди.

**Рамазоннинг йигирма еттинчи кечасидан.** Мазкур уч кечага ҳам мажол етмаганлар Қадр кечасини Рамазоннинг йигирма еттинчи кечасидан излашга имконлари бор. Зеро, бу улуг тун Рамазоннинг айнан шу кечасида эканига далолат қиладиган ҳадислар кўпдир. Жумладан, Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Лайлатул Қадр йигирма еттинчи кечадир» (Имом Абу Довуд ва Аҳмад ривояти).

Уламолар Лайлатул Қадр ҳар йили кўчиб юради, бир йил у кечада, кейинчи йил бу кечада, деганлар. Шу эътибордан, у кечани топмоқчи бўлган киши Рамазон ойининг ҳамма кечаларини ибодат билан ўтказса, албатта, уни топади. Шу билан бирга, бу муборак кечада, аҳли оила, ёру дўстларни ҳам ибодатга чорлаш мақсадга мувофиқдир. Аллоҳ таоло ўша кечанинг баракотидан минг ойлик ибодатнинг савобидан кўра кўпроқ ажр беришдан умидвор бўлиш лозим.

Раҳматилла УСМОНОВ, Қашқадарё вилояти бош имом-хатиби.

## Телефонсиз бир дақиқа «яшай оласизми?»

Ҳеч бўлмаса, телефонни бир-икки соатга ўчириб қўя оласизми?..



Шахсан мен бундай қилмайман. Чунки уни бир дақиқа қўлимга олмасам, ниманидир йўқотиб қўйгандек бўлавераман. Мен-ку майли, эндигина мактабга чиққан жиянчам ҳам қўлига телефон бермаса, йиғлайвериб, ҳаммани овора қилади.

Хўш, оғиримизни энгил қилаётган гаджетлардан қандай қутилиш мумкин? Улардан ҳаддан ошқ фойдаланишининг зарарли оқибатлари йўқми? Фарзандларимизни унинг домидан қандай қутқарамиз?

Бизга ёрдам бериши керак бўлган кўпчилик технологиялар, аслида, яшашимизга халал беради. Бу борада энг кўп зарар айнан смартфонлардан келади, чунки улардан кун давомида (баъзиларимиз тун бўйи ҳам) деярли ажралмаймиз. Олимларнинг аниқлашича, смартфонлар пайдо бўлмасидан аввал оддий телефонларга кишилар кунига ўртача 18 дақиқа вақт сарфлашган экан. Ҳозир эса...

Олимлар қизик бир сўровнома ўтказишган экан. Унда иштирокчилар иккита вариантдан иборат саволларга жавоб беришган: йўқилиб тушганингизда смартфонингиз сингани кўришчирокми ёки бирор суягингиз? Қатнашчиларнинг 46 фоизи смартфондан кўра, суяги синишини маъқул кўришган. Тасаввур қилясизми, телефонни ўзидан устун қўриб, суяги сингандаги оғриқларга рози бўлишган. Қолган 54 фоизи ўз соғлигини ёқлаб овоз берган бўлса-да, уларнинг бу қарорга келишлари осон бўлмаган.

Қолаверса смартфондан ҳаддан ошқ кўп фойдаланиш орқали турли касалликлар келиб чиқиши мумкин экан. Мисол учун, телефонсиз қолиб кетишдан кўрқиб (номофобия). Бугунги кунда тиббиёт шиддат билан ривожланиб бораётган бўлса-да, телефонга қарамлик ва ундан айрилиб қолиш кўрқуви «аср вабоси», дея тилга олинапти. Мутахассислар номофобияни гиёҳвандлик ёки спиртли ичимликларга қарамликка тенглаштироқда.

Хитойлик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда смартфонларга қарам одамлар миясида когнитив функциялар, ижодкорлик, ақлий мослашувчанлик ва маълумотни идрок этишда равонлик учун маъсул бўлган фаол қисмлар камроқ эканини аниқлашди. Тадқиқотларда ўн саккиз ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган қирқ саккиз нафар талаба иштирок этган, 50 фоизда муаммо аниқланган.

Шунингдек, смартфондан кўп фойдаланиш оқибатида кишида неврологик кўринишидаги муаммолар пайдо бўлади. Булар бўйин ва қўл-оёқларда оғриқларидир. Замонавий гаджетлардан фойдаланиш мускуллар гипотрофияси, кўзнинг қуриб қолиши ва узоқни кўролмастик муаммоларини келтириб чиқаради. Электромагнит тўлқинлар тўқималарга кириб бориб, уларни қиздиришни олимлар исботлаб берган. Вақт ўтиб, бу ҳолат бутун организм асаб, юрак, қон-томир ва эндокрин тизимлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса, мобил телефонларнинг зарари жуда катта эканини исботлайди.

Хуллас, фарзандингизни номофобиядан — телефонга қарамлик ва бир неча касалликлардан қутқариш учун, аввало, ўзингизни тарбияланг. Чунки биз нима қилсак, болаларимиз ҳам кўрганини қилишади. Ахир «қуш уясида кўрганини қилади» деб бекорга айтишмаган. Қарамликдан қутилиш учун иложи борича дам олаётганда телефони ўзингиздан йироқроқ қўйинг. Уни титқиланганда кўра, бирон китоб мутолааси билан шуғулланг. Истайсизми-йўқми, бола айтганингиздан кўра, кўрганини кўпроқ қилади. Демак, фарзандингиз сизни қўлингизда телефон билан эмас, китоб билан кўргани маъқул.

М.НУРАЛИЕВ.

**Mahalla** Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

МУАССИС: «Mahalla» nashriyot-matbaa uyii» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир: **Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ**  
Ижодий гуруҳ: **Санжар ИСМАТОВ, Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ, Мансурбек ЖАБОРОВ**  
Дизайнер: **Абдулазиз АҲМЕДОВ**

**Тахририят манзили:** Тошкент шаҳри, Муस्ताқиллик шоҳ кўчаси, 59-уй. Индекс: 100192  
Телефонлар: Қабулхона: 71 233-39-89, Обуна бўлими: 71 233-10-92. Баҳоси келишилган нархда. Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
**Босмахона манзили:** Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Улчами — 350x600, 2 босма табок, 8 450 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-418

## Кимлар хавфсизлик камарини тақмаслиги мумкин?

**БИЛАСИЗМИ?**

Куйидаги шахсларга хавфсизлик камарини тақмасликка рухсат берилади:

- автомобилнинг орқа ўриндиғидаги 12 ёшгача бўлган болалар;
- ўқув-машқ транспорт воситасини ўқувчи бошқараётган вақтда автотранспортни ёки шахар электр транспортни бошқаришни ўргатуви амалий машғулотлар инструктори;
- ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақими имконини бермайдиган беморлар (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган касалликлар рўйхатида мувофиқ ва ушбу касалликлар билан касалланганлиги бўйича тиббий маълумотнома мавжуд бўлганда);
- хизмат вазифасини бажараётган ходимга бириктирилган кўк ёки қизил ёҳуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқчаси билан жиҳозланган ҳамда махсус рангли бўёқ схемалар ва ёзувлар билан белгиланган транспорт ҳайдовчиси ва йўловчилари.

*Мотоцикл ва мопедда ҳаракатланаётган ҳайдовчи ва йўловчилар махсус мотоцикел кийишлари ва уни қадаб олишлари шарт.*